



YOSHALAR ISHLARI  
AGENTLIGI

# “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИМИЗ, ЎЗ ҚҮЛЛАРИМИЗ БИЛАН БУНЁД ЭТАМИЗ!” ЭССЕЛАР ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ

24-27 МАЙ, 2022 ЙИЛ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ



## «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИМИЗ, ЎЗ ҚҮЛЛАРИМИЗ БИЛАН БУНЁД ЭТАМИЗ!» ЭССЕЛАР ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

### 1-ЎРИН

**Фапарова Гулёр Улугбековна** – Карақалпок давлат университети «Ўзбек филологияси» факультети 1-босқич талабаси.

### 2-ЎРИН

**Шодиева Нигина Улугбек қизи** – Бухоро давлат университети «Филология» факультети 2-босқич талабаси.

**Ураимшикова Мафтуна Рустам қизи** – Чирчик давлат педагогика институти «Туризм» факультети 3-босқич талабаси.

### 3-ЎРИН

**Жалилова Мухлиса Зафаржон қизи** – Шароф Рашидов номидаги Сармаканд давлат университети «Филология» факультети 2-босқич талабаси.

**Фозилова Шахризода Фуркат қизи** – Бухоро давлат университети Педагогика институти «Табиий ва гуманитар фанлар» факультети 1-босқич талабаси.

### ҚУШИМЧА НОМИНАЦИЯЛАР СОВРИНДОРЛАРИ

#### «ФАОЛ ТУРИЗМ ТАРГИБОТИЧИСИ» НОМИНАЦИЯСИ

**Рӯзиева Мадинабону Баҳо-диржон қизи** – Фарғона вилоятидаги Узбекистон-Корея халқаро университети «Мактабгача таълим» факультети 2-босқич талабаси.

#### «БЕЗОВТА ҚАЛБ» НОМИНАЦИЯСИ

**Имомова Малика Ҳаким қизи** – Чирчик давлат педагогика институти «Гуманитар фанлар» факультети 3-босқич талабаси.

#### «ЯНГИЧА ЁНДАШУВ, ЯНГИЧА ДҮНЁКАРАШ» НОМИНАЦИЯСИ

**Султонмуратова Машхура Қувонч-бек қизи** – Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали «Телекоммуникация технологиялари» факультети 1-босқич талабаси.

#### «СИЁСИЙ-МАДДАНИЙ ТАФАККУР» НОМИНАЦИЯСИ

**Ахророва Зуфнунабегим Ризвонна** – Бухоро давлат университети «Филология» факультети 3-босқич талабаси.

#### «АЁЛ МАДДИ» НОМИНАЦИЯСИ

**Бердикулова Севинч Тоҳир қизи** – Гулистон давлат университети «Ихтимой-иктисодий» факультети 3-босқич талабаси.

#### «ОНА ВАТАННИНГ ҚАЙНОК ТАРАННУМИ» НОМИНАЦИЯСИ

**Мухторжонов Аҳмаджон**

# Ishonch

Юрт тараққиётни йўлида бирлашайлик!

2022 йил  
28 май  
шанба  
№ 68  
(4664)

## «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИМИЗ, ЎЗ ҚҮЛЛАРИМИЗ БИЛАН БУНЁД ЭТАМИЗ!»

ЭССЕЛАР ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерациясида «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!» эссеалар танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Президентнинг Ёшлар, фан, тавлим, соглиқни саклаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Нодиржон Холбўтаев, Олий Мажлис Конунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, сенатор, академик Акмал Сайдов, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Абдуқодир Тошкулов, Вазирлар Маҳкамаси хуздурдаги Таълим сифатини назорат килиш давлат инспекцияси бошлиги Улугбек Тошкенбаев, Маънавият ва мърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳоҳиддин Ҳожиматов, Ёзувчilar ўюшмаси раиси Сироҳиддин Сайдов, Журналистлар ижодий ўюшмаси ра-



### ЛЛАРИМИЗ БИЛАН ЎЗИМИЗ ЭССЕЛАР ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ

24-27 МАЙ, 2022 ЙИЛ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ



иси Олимжон Ўсаров, Парламент вакилари, Олий таълим муассасалари ректорлари, илм-фан араблари, ижодкорлар, танлов иштирокчиларининг устозлари, ота-оналари, касаба ўюшмалари масъул ходимлари қатнашидилар.

Таддирда ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Кудратилла Рафиқов иштирокчиларини ғолиблик билан кутлади.

Таъқидланганидек, бугунги кунда юртимизда олий таълим тизимини ислоҳ қилишининг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак мәънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали қадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш борасида изил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, олий таълим муассаса-

лари халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтинглари рўйхатидан ўрин етгалиш учун дадил қадамлар билан рагбатга киришадаётар. Тала-ба ёшлар турли инновацион лойиҳаларини амалга ошириб, фанлар бўйича республика ва халқаро танловларда ўз билимларини намоён этишапти.

Ёшлар онгидаги Ватанимиз тарихи, миллий ва умуминсоний қадриятлар, ижтимоӣ ҳаёт ҳақидаги тушунча, билим ва кўникмаларни янада юқсалтириш, ўғил-қизларнинг ўз иқтидорларини намоёниш этишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ижтимоӣ-мәънавий, сиёсий-хуқуқий ҳамда иқтисодий жараёнларга нисбатан тақдидор-таҳлилий, ижодий дунёқарашлари ва кўникмаларни шакллантириш, иқтидорлорларни қўллаб-куватлаш ҳамда муносаби рағбатлантириш таълимнинг ажралмас қисмиидир.



# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИМИЗ, ЎЗ

## ЭССЕЛАР ТАНЛОВИННИГ РЕСПУБЛИКА



### Синов Олдидан саёҳат

24 май куни пойтахтимиздаги «Чинобод плаза» санаторийисида танловининг учунчи босқичида ғолиб бўлган 42 нафар иштирокни ва уларнинг устозлари кутиб олини. Имтиҳон олдидан улар учун маҳсус тадбирлар ташкил этилди.

Иштирокчилар дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти билан яқиндан танишиди. Ташириф мобайнида Қонунчилик палатаси раҳбарияти ҳамда Ёшлар парламенти вакилари билан мулоқот ўтказилди.

**А**йниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Сайдовнинг «Тараққиёт стратегияси – келажак учун мустаҳкам замин» мавзусидаги мавзузаси талабаларда катта қизиқиш ўфтоди.

– Эсслар танловининг республика босқичида қатнашадиганин билан бўхт бўлса, шу баҳона давлатимиз сиёсатида мухим ўрн тутган шахслар билан бўлаётган мулоқотлар мени янада қувонтироқмода, – дейди Кўйкон давлат Педагогика институтининг «Ўзбек тили ва адабиёти» факультети 1-босқич талабаси Наврӯзхон Турсунова. – Шахсан ўзим Акмал Сайдовнинг фаолиятига анчадан бўён қизиқаман. Учрашув давомида улардан ўзимни қизиқтирган ва кўйдан бери қўйнаб келаётган саволларимга бағафсиз жавоб олдим.

Шундан сўнг талабалар Ўзбек миллӣ академик драма театрида Кўчкор Норқобил асари асосида саҳналаштирилган «Заминдан олис кетма» спектаклини томоша қилдilar.

Кейнинг манзиз – INHA университeti бўлиб, бу ерда иштирокчилар талабаларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиди. Компьютер инжиниринг департаменти, ёшлар ижодий таълим маркази директори, профессор Жангуву Квон билан онлайн мулоқот ўтказилди.

– Учрашувларда танловининг республика босқичи қатнашчиларининг эртанинг кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланётганига гувоҳ бўляйман, – дейди Термиз давлат университети 1-босқич талабаси Бобур Тошқобилов. – Бу каби мулоқотлар нафақат талабаларни, балки биз, устозларни ҳам янада олға қадам ташлаб, юрт ривожи учун муносаб хизмат қилишга ундошмади.

Саёҳат чоғида иштирокчилар Президент хузуридаги давлат бошқаруву ақадемиясида ҳам бўлишиди. Ақадемиянинг фаолияти билан танишув асосида ўқитувчи-профессорлар билан мулоқот ўтказилиб, талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Ҳатто баъзи талабалар берган саволлар масъулларни бирор довдиратиб қўйгани ҳам рост. Хусусан, бир куончак талабанинг мигрантлар масаласиди ақадемия ректорига берган саволи ҳамманинг чуқур ўйга толдирилди. Демак, ҳозирги ёшлар орасида сиёсий билими бой, ҳаётни терапи англаидиган шахслар бор экан, эртанги кунимиз бундан-да яхши бўлади.

– Тенгкурларим орасида танқидий-таҳлилий фикрлайдиган ёшлар кўплигидан, танлов сабаб улар билан яқиндан танишганинг ҳамда фикр алмашётганимдан, энг мухими, шундай талабалар этироф этилаётганидан хурсандман, – дейди Термиз давлат университети «Ўзбек тили филологияси» факультети 1-босқич талабаси Гулжаҳон Турсунпұлатова. – Зотан, салоҳияти етарли, дунёнкараши кенг, билимли инсонни ҳеч қандай куч тўри йўлдан адаштира олмайди. Бундай шахслар жамията ҳамиша фойда келиради.

Талабалар Олмазор туманида жойлашган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида ҳам бўлишиди. Ташириф асосида Мотамсаро она ҳайкални пойига гулчамбар қўйишиди. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган аждодларимиз хотирасига бағишлаб бунёд этилган «Шон-шараф» музейи фаолияти билан яқиндан танишилди.

Иштирокчиларнинг пойтахт бўйлаб саёҳати мазмунли ва унутилмас таассурларга бой бўлди.

### МАҚСАДИМ – ОНА ВАТАН РАВНАҚИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШ



**Гулёр ФАППАРОВА,**  
Қорақалпоқ давлат университети «Ўзбек филологияси» факультети 1-босқич талабаси, 1-ўрин соҳибаси:

– Эсслар танловининг республика босқичида қалбини ўзгача ҳис-түйғулар қамраб олди. Уларни сўз билан ифодалашим қиийн.

Очиғи, танловда биринчилкни кўлга киритиш хаёлнимга ҳам келмаган. Каминан шундай улуғ дараҷага кўттаргандарга бошим ерга теккунча таъзимдаман. Ҳаммаси учун ташаккур. Аслида танловининг республика босқичида қатнашадиган 42 нафар талабанинг ҳар бирни ғолиб. Зотан, ҳамманинг максадимиз битта – Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз кўлларимиз билан бунёд этиши! Ишончим комил, атрофидаги барча тенгдошларим она Ватан равнақи, унинг янада гуллаб-яшинаши ўйлида хизмат қиласидар.

«<<1

Бундай жиҳатлар инобатга олингандан ҳолда, ёшларни ватанпарварлик, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли оқимларга қарши тураладиган, ҳаётга қатъий ишонч ва давлатилар қарашлар, буюк мақсадларга эга шахслар сифатида тарбиялаш. Учинчи Ренессанс пойдеворини куришда уларнинг фаол иштироки ва даҳдорлик фазилатларни шакллантиришга қаратилган «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз кўлларимиз билан бунёд этиши» ижодий ишлар танлови ташкил этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Министри шарқий маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлиги уюштирилган танлов тўрт босқичда ўтказилди.

Танловининг республика босқичида эссе ёзгача талаба-ёшларга ҳаяжон, озигина бўлсин, ишончизлик бегона эди. Нигоҳларида қатъият зуҳур. Расом мўйқаламда қандай маҳорат билан расм чизса, улар эртанинг шундай тасвир этилди. Бу жаҳаёнини кузатган борки, дилидан бир ўй ўтгани аниқ; бу ўғил-қизлар келажак бунёдкорлари, Ватаннинг ҳақиқий суюн тоғларидир.

Ватан ва миллат. Ҳар иккиси келажаги бугунги ёш авлодга, уларнинг қандай инсонлар бўлиб камол топишга боғлиқ. Ота-боболаримиз шу юрт, шу тупроқ деб бежиз қон тўкишмаган. Бунинг ортида мукаддас тупроқни ёвга топтатмаслик, оила, отона, фарзандларни душман қўлида хўрлатмаслик туриди. Бундай бўлмаслиги учун эса нима қимлок, керак?! Албатта, ўқиши, уқиши, ўрганиш ва ўргатиш... Зоро, мамлакат ривож топиши, ўзга давлатларга қарам бўлуди.

Тадбирда танлов жараёни ҳақида ҳакамлар ҳайрати раиси Минхажиддин Ҳожиматов сўз юритиб, илк – факультет босқичида мәмлакатимиздаги барча олий таълим мусассаларидан 240 минг нафардан зиёд талаба «Биз келажак бунёдкоримиз!», иккинчи – олий таълим миассасаси босқичида эса биринчи босқичдан мубаффақиятли ўтган 1500 нафардан зиёд талаба «Янги Ўзбекистон – янги мақсадлар», худуди

дий босқичда эса 350 нафарга яқин иштирокчи «Янги Ўзбекистон менинг тасаввуримда» мавзуларида ўзбек, рус, инглиз, қорақалпоқ ва бошқа қардош ҳалклар тилларида қалам тебратишганини айтиб ўтди. Республика босқичига эса улардан кенг фикрли, ўта иқтидорли ва қобилиятли 42 нафари етиб келгани, бу ёшлар эса Янги Ўзбекистоннинг янги овозлари эканини эътироф этиди.

Танловининг республика босқичида эссе ёзгача талаба-ёшларга ҳаяжон, озигина бўлсин, ишончизлик бегона эди. Нигоҳларида қатъият зуҳур. Расом мўйқаламда қандай маҳорат билан расм чизса, улар эртанинг шундай тасвир этилди. Бу жаҳаёнини кузатган борки, дилидан бир ўй ўтгани аниқ; бу ўғил-қизлар келажак бунёдкорлари, Ватаннинг ҳақиқий суюн тоғларидир.

Ватан ва миллат. Ҳар иккиси келажаги бугунги ёш авлодга, уларнинг қандай инсонлар бўлиб камол топишга боғлиқ. Ота-боболаримиз шу юрт, шу тупроқ деб бежиз қон тўкишмаган. Бунинг ортида мукаддас тупроқни ёвга топтатмаслик, оила, отона, фарзандларни душман қўлида хўрлатмаслик туриди. Бундай бўлмаслиги учун эса нима қимлок, керак?! Албатта, ўқиши, уқиши, ўрганиш ва ўргатиш... Зоро, мамлакат ривож топиши, ўзга давлатларга қарам бўлуди.

Дарҳақиқат, Президентим олий таълимни ҳаракатга айлантириди. Мисол учун бундай иккунчилкни олдин талабалар сони бор-үйи иккунчилкни юз минг атрофида эди. Айни вактда мазкур кўрсаткич иккунчилкни олдин таълимни ҳаракатга айлантириди.

Айниқса, қизлар таълимига алоҳида эътибор бериладиганини 42 нафар иштирокчиларининг қаридориб ўғизини қизлар ташкил этишини ҳам тасдиқлаб турибди. Бу бояғят кувонарли ҳодиса. Зотан, бир йигитни ўқитсан, бир шахсни, бир қизни ўқитсан, бутун бир жамиятни ўқитсан бўламиш. Танловда иштирок этиган талаба-қизлар орасидан келажакда шоиралар, академиклар, давлат арбоблари етишиб чиқишига тилакдошман.



Сандакбар Абдураимов олган суратлар



## Зиёлпилар

Эсслар танлови олдидан иштирокчилар парламент вакиллари, илм-фан арбоблари билан учрашди.

«Чинобод Плаза» санаторийисида бўлиб ўтган тадбирда Республика маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минхажиддин Ҳожиматовнинг «Янги Ўзбекистоннинг устувор мақсади – Учинчи Ренессанс» мавзусидаги маъруzasи ўқувчиларда катта қизиқиши ўфтоди.

**М**улоқотда, шунингдек, Республика маънавият ва маърифат маркази ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор, сиёсатчига Ҳамида Шермуҳаммедова «Янги Ўзбекистон – аёлларини эъзозлаган мамлакат» мавзусида сўз юритиб, охирги йилларда мамла-

катимизда инсон қадрини, айниқса, аёлларнинг ҳуқуқи ва эркинларини химоя қилиш, уларнинг ҳар соҳада фаол иштирокини ташминлаш борасида амала оширилаётган ишларга алоҳида тўхтади.

Учрашув якунида Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар ва ташки инвестицион фо-

# Қўлларимиз билан бунёд этамиз!» босқичи голиблари тақдирландилар



## БУНДАН-ДА ЮҚОРИ МАРРАЛАРНИ ЗАБТ ЭТАМИЗ



Мұштариy БОЙМАТОВА,  
Тошкент давлат инженерият  
университеті «Инженерият»  
факультети 3-босқич талабасы:

— Аввало сўзим аввалида ушбу эсслар танловини ташкил қылган мұтасаддиларга алоҳида раҳмат айтмоқчиман. Тадбир кутганимиздан да аъло даражада ўтди. Гарчи ўзим ғолиб бўймаган бўлсанда унда қатнашганидан жуда хурсандман.

Ҳақиқатан ҳам, бугун илм оламан, бирор бир қаснинг бошидан тутаман деган одамга ҳамма шароит бор, ҳеч қандай тўсиқ ўй. Давлатимиз раҳбари ёшлини ҳар томонлама қўллаб-куватламоқда. Мана шундай танловларда эса ёшлар ўзини намоён этмоқда.

Ўйлайманки, танловда ғолиб бўлганлар бундан-да юқори марраларни забт этишига қодир. Ватан ва миллат дардиди кечанин кече, кундузи кундуз демай, ўқиб-изланадиган барча тендошларимга улкан зафарлар тиймайман.

этсам, кимларнингдир оғирини енгил қиласм, элга, юрга хизмат қиласм.

Ҳа, ҳар ким шу ўй билан яшаса, ўз вазифасини сидқидилдан адо эта, изланса, меҳнат қилас, эл-юрт тақдир тураг жойда бир муштаг айланса, бу мамлакат гуллаб-шашнайди. Ривожланиш сари дадил қадам ташлайди. Ҳаётни англаган, тушунганди ёшларнинг бу каби фикрлар жо бўлган эссларни ростакамга баландпарвоз гаплардан холи, дилида бори қофозга тўкилган, холос.

Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси раҳбарияти ва ёшлар парламенти вакиллари, INHA университети, Давлат бошқаруви академияси профессорлари, Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, «Юксалиш» академияси асосчиси билан мулокотларда олинган маълумотлар ва улардан чиқарилган хуносалар ҳам ижодий ишларни мазмунан бойдити.

Шу билан бирга, эссларда ўзбекистоннинг шонли тарихи, бугунги тараққиёт даражаси ва ёрқин келажаги теран фикрларда баён этилган. Хозирги кунда жамият ривожи учун тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларга нисбатан.

Талаба-ёшларнинг қалб қўри тўкилган эсслар бир-биридан мазмунли, рангин, салмоқли бўлса-да,

улар ичидан энг зўрларини саралаб олиш лозим. Зеро, танловнинг шарти ҳам шу. Бундай вазиятда ҳакамлар ҳайъатига осон бўлмайди.

Тадбирда узоқ мұхқомама, баҳслардан сўнг бу масъулиятни вазифа ҳам адо этилган қайд қилиниб, мұкофотлар тантанали тарзда ўз егаларига топширилди. Барча иштирокчиларга Президент совғаси сифатидан ноутбук, диплом, 1-урин соҳибасига 30 миллион сўм, 2 нафар 2-урин соҳибига 20 миллион сўмдан, 2 нафар учинчи ўрин соҳибига 10 миллион сўмдан ўзбекистон касаба мұуымолар тадбирларнинг аҳамияти катта. Айнан, охирги ўйларда келажак авлод учун барча имконият эшиклари очилди. Ҳусусан, мана шундай танловлар ёшларни янада руҳнамарлиши билан бир қаторда, шахс сифатидан ривожланишига ҳам хизмат қўлмоқда. Қолверса, давлат раҳбари олиб бораётган сиёсатни келажак авлод қалбига чукур сингидириша шундай танловларнинг ўрни бекиёт.

Ишончим комил эсслар танловнинг республика босқичида қатнашиган кўзлари чакнаб турган, илм-маърифатга ташна 42 нафар талаба ҳәмда ўз ўрнини топи, жамият ривожи учун мунисиб хизмат қўлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар танлов жараёни адолати ва шаффофтган, эсслар ёшлар дилидаги туйғуларни юзага чиқариб, улуғ эртага фан доктори, ақадемиклар бўлиб этишиши, бу кун эса тарих зарварақларига зархал ҳарфлар билан битилишини алоҳида таъкидлашди.

— Улуғбек ШОДИЕВ,  
Бухоро давлат университети  
«Филология» факультети 3-босқич  
талабаси, танловнинг иккинчи ўрин  
соҳибаси Нигина Шодиеванинг отаси:

— Мусиқа фани ўқитувчисиман. Балки шу сабаб қизим ҳам болалигидан ижодга, санъатга алоҳида мөхр қўиди. Мактабдаги тадбирлар унинг иштирокисиз ўтмаси хисоб. Туман газетасида бир неча мақолалари чоп этилган. Ҳеч қаҷон қўйидан китоб тушмайди. Ҳусусан, ушбу танловга ҳам астойдил тайёрланди. Мана, машаққатли меҳнатларининг самарасини кўрятди.

Хар бир ота-она фарзандининг мисқолча ютуғидан қувонгани каби қизимнинг ютуғидан менинг ҳам бошим кўкка етди.

## ҚИЗИМ – ЁРУГ ЮЗИМ



### Учрашув




## БИЛАН МУЛОҚОТ

олият бўйича мутахассис, ҳалқаро тоифадаги маркетолог, «Юксалиш» миллий академияси асосчиси. Мұхаммадали Эшонқулов «Биз – Янги Ўзбекистон бунёдкорларимиз!» мавзусида маъруза қилди.

— Эсслар танлови мобайнида жамият ривожи йўлида муносиб хизмат қилиб келётган сиёсий арбоблар билан бўлган мулокотларни асло унтурмайман, — дейди Наманган мұхандислик қурилиш институти 3-босқич талабаси Аҳмаджон Мұхторжонов. — Ақмал Саидов, Минҳоиддин Мирзо, Жамила Шермуҳамедова сингари давлат ва жамоат арбобларининг берган ўйтлари

бизга бир умр дастуриламал бўлиб қолади. Айнанча, ёшлар орасида анча маҳсур, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир талабанинг мотиваторига айланган нотик — Мұхаммадали Эшонқуловнинг учрашувга таклиф этилгани нур устига нур бўлди. Шахсан ўзим шу кишининг маърузасидан катта куч олдим ва ишончим комилки, ушбу энергия олдинда турган синовда менга жуда кўл келади.

Баҳс-мунозара ва савол-жавоблар тарзida кечган учрашув талабалар қалбидан Ватанга бўлган мұхаббатни янада күчайтириш билан бир қаторда, ижодий, таҳлилий фикрлар кўнисмаларини шакллантиришга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.



26 май танловнинг республика босқичи иштирокчилари учун ёддан чиқмас кун бўлди.  
Талаба-ёшлар Ўзбекистон касаба ўшмалари Федерациясининг мажлислар залига тўпланди.

## Ҳаяжонга тўла лаҳзалар

Иштирокчилар ижодий ишга киришишидан аввал ҳакамлар ҳайъати аъзолари танловнинг қонун-қоидаси борасида батафсил маълумот беришди. Ҳусусан, Минҳоиддин Мирзо уларга омад тилаш асносида оқ қофозга чин юракдан, самимий туйғуларни рўй-рост ёзиши сўради.

Ва ниҳоят, жараён бошлиди. Ҳар бир талаба эссе ёзишига ўзгача иштиёқ билан киришиди. Бу уларнинг юз ифодасидан ҳам сезилиб турарди.



2,5 соатли муддат тугагач, иштирокчилар бирин-кетин дил сўзлари баён этилган дафтарни ҳакамлар ҳайъатига топшириди.

— Аслида ушбу танловда қатнашишимнинг ўзи қизиқ бўлди, — дейди Чирчик давлат педагогика институти 3-босқич талабаси Малика И момова. — Биринчи босқичда кечинмаларимни кутганимдек баён этилмади. Ўзимга нисбатан ишончим суст эди. Аммо вилоят босқичида астойдил ҳаракат қилдим ва шу ергача этиб келдим. Республика босқичи жараёндаги учрашувлар менга жуда катта руҳ бағишлади, кўнглим тоғдек кўтарилиди. Шуларни ўйлаб, эссе ёзишига киришдим. Мамлакатимизда амала оширилаётган кенг кўлмали ислоҳотлар билан бир қаторда, баъзи бир камчиликлар хусусида ҳам сўз юритиб, ўз тақлифларни билан ўртоқлашдиди.

— Мен ўз ишсемда танлов мавзусидан келиб чиқиб, дастлаб Ватан ҳақидаги таърифу тавсифларимни келтириб ўтдим, — дейди Урганч давлат университети 4-босқич талабаси Гулноза Сафоева. — Кейин Ўзбекистоннинг шонли тарихи, бугунги тараққиёт даражаси ва ёрқин келажагини узвий боялаган ҳолда ўз кечинмаларимни баён этдим. Ижодий жараёнда ҳозирги кунда жамият ривожи учун тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларни ёзиши ҳам лозим топдим, албатт.

— Ушбу танлов ёшларнинг истеъододларини яна бир бор ўзага чиқарди. Бугунги ёшларимиз анча шикоатли, дадил. Улар ўз фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин ифодалаб, камчиликларни рўй-рост айтятни ва энг муҳими, йўл қўяётган хатоларимизни бартараф этиш йўлида астойдил қайтириб, салмоқла тақлифлар билдирияти. Янги Ўзбекистонни айнан шундай ёшлар билан бунёд этаётганимиз эса одамни иккиси қувонтиради, — дейди Г.Сафоеванинг илмий раҳбари, доцент Насиба Жуманиёзова.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан 1997 йилда Мирзахакимова Ферузга Ҳусанбоевна номига берилган №182686 рақамли диплом йўқолгани сабаби бекор қилинади.

Тошкент вилояти, Чиноз туманинда 31-мактаб томонидан 2000 йилда Усмонов Дағрон Мирзумонович номига берилган ОР-№ 895702-рақамли аттестат йўқолгани сабаби бекор қилинади.

Эссе

# «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!»

(Ушбу эссе лотин алифбасида ёзиштан булиб, газетада кирили алифбасида чоп этилмоқда)

Гулёр ФАППАРОВА,  
«Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!»  
эсслар танлови республика босқичи 1-йрин сохибаси



Майсалар ва дарахт барглари билан ўйнашиб, уларнинг шивор-шивирига сабаб бўлаётган тоғон шабабаси каршиимга келди: «Ўйон, янги кун келди», – дега секининг юзларимни сийалаб ўтди. Ўзоклардан муралаетган кўёу гардун сари кўтарилиб, қайларадир музлабётган юркаларни тафти ша эртига бошлиди. Шу зайлда отаётган тоғонни «Янги Ўзбекистонга» менгзадим. Табиатнинг мўъжизакор ҳодисотлари юзларининг шўх хонисига маст бўлиб, ўзокларга тикилганча ўйларон уммомига гарк бўлаётган кўзларимни бир зум соҳил сари етакладим. Шафакнинг ол ёноклари мисоли бўзарган юзларидан кўнглимага ҳисларимни ёзмоқни истадим. Шафакур дengizига гавос каби шўйнгуб, унинг туб-тубидан энг сара маржонларни авайлабигина сўз сандигига жойладим. Ул шодаларни эса меҳрим или ша термоқни кўнглим ихтиёр этмоқда. Ушбу сўзларим қалибдан чиқаётган садоллардир.

Айни замонда бўйса, шу миттигини юрагим «Ватан» дега денгиз тўлқинлари каби тўлиб-тошмоқда. Бунинг сабоби, недур дессангиз, мен буюклар авлодиданман, томиримда Тўмарис кони оқмоқда деб яховоб қўлурман. Ҳақиқатдан, биз даҳолар, улуф сўймолар ётган замонидан ячаймиз. Шуни хам айтиши жоизки, ҳар бурилиз от зотларнинг руҳи сабаб камол топамиз. Малика Тўмарис – Турон даштишдаги элларнинг бошини бўрлаштирган аёл. Жангида ёғлидан жудо бўлган, Аму ёқасида қон кечиб, душманига ўзбекин фарзанди, қизи ким қаслини кўрсашиб кўйган ҳақиқий ватаннорарев сўймо. Қайси дир маънода биз эса унинг фарзандлари, набираларимиз. Даҳрақиқат, бу замонидан кимлар яшамаган, не-не улуф зотлар, олиму фузалолар юртидиш ўзбекистон. Шу ўринда битта савол туғилади. Ҳўй, Ватан нима ўзи?! Сувми? Ҳавоми?.. Туби кўринимас дениг ёки тупроқми?..

Шу биргина сўз: «Ватан!» Нега инсонлар бир парча ерни «Ватан» деб атайдилар. Қандай мўъжизакор ҳилқатдирисанки, одамлар сенинг исменинги зикр қўлганларидан вижудини ўзганича хисар чулғаб олади. Ҳа, Ватанни «Она» сўзини қўшиб, мужхонлар порплор ҳолатда айттилиши хам унинг қай ётражада мұқаддас эканлигидан далолат беради. Ватан самолардан турриб бизга гўзал куличлар ҳадаракат ва шиҳоатга эга бўламиз. Президентимиз шунинг учун ҳам Ватанимизни яннига ўйла, буюк мақсадлар сари олиб чиқмоқдалар. Бу ўйларда қоқимларимиз учун нима қимоқ зарур? Албатта, вақтни бой бермаслик керак. Б.Франклин: «Ҳәётни севасанми? Агар севсан, вақтингни бой берма, чунки вақтдан «ҳәёт» деган мато яралади», деган экланлар. Демак, вақтимизни тўғри ва фойдали тақсимай олсанкина, юксак чўйқиларни забт эта оларканим. Ӯкорида таъкидлаб ўтилганидек, биз, ёшлар келажакнинг устуни, бунёдкорларидирмиз. Бугун қарага қарамайлик «ёшлар», «ёшлар учун» дегани хитоби ҳақиқиётлар ёттиборимизни тортмасдан қомайди. Юртимизда биз, ёшлар учун яратишаётган имкониятларнинг сон-саноги ўйдек гўё. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегигияси»да ҳам таълим соҳаси бўйича, ёшлар масаласида алоҳида илфор вазифалар кўрсатиб ўтилган. Қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, ҳаммасида ёшлар ва келажак кўзланган десак муబорағ бўймайди. Биз ушбу ислоҳотлар, имкониятларни қаерларда сезамиз.

Албатта, ёшларнинг порлаётган кўзларida сезамиз. Шуни хам айтиб ўтиши керакки, айнан ушбу «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлларимиз билан бунёд этамиз!» шиори остидағи республика эсслар танловига қаратилаётган ўзгача, алоҳида ётибор Янги Ўзбекистоннинг бельгларидир. Танлов дастури давомида ўтказилган учрашув ва тад-

сонларга бошқа жонзотлардан ахралиб туршиши учун онг ато этганинги ёзди. Дарҳақат, инсон онги унинг бу номга муносаб эканлигини белгилаб берувчи асосий омилдир. Демак, инсон деган улуг номга сазовор эканмиз, ўз оғизимиз, шурумиз ила дунёни лол қолдрайдил. Ватанимизнинг ривожи учун ўз ҳиссамизни кўпроқ қўшишига ҳаракат қилимомиз даркор. Зоро, биз ёшлар мамлакат устунларидирмиз. Ҳәётда эса ўз устуннимизнинг мустаҳкам бўймоги учун фақат ва фақат олдинга интилишимиз лозим.

Ҳәёт – ажаб сиро синоатлар маскани, турфа

бирлар биз, ёшларга ўзгача ғайрат, шиҳоат ато этди. Менинг жисмими чулғаб олган ҳайрату ҳисларни тасвирламоққа, ҳамто қала-мим ҳам ожизлик қилимокда. Чунки шу дарҳада котта давлат ибораларига, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузвуридан давлат бошқаруву академиясига, мустақил Ватанимиз ўз-ўзидан бундай ҳолга келмаганини исботлаб берувчи «ға-лаба» боғига ташриф буюришимиз юртимизда ёшларга бўлаётган имкониятларининг, Янги Ўзбекистоннинг бельгларидан бироридир. Нафоқат Янги Ўзбекистон, балки бузунги кунда Янги Қорқалпоғистон атамасини ҳам кўллашимиз ўринли бўлади, деб ҳисоблайман. Чунки саҳро бағридаги ҳазиналар саноғи буғун аста-секинлик билан очиляпти.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ишлар, бутун ер юзини қийнаб келётган Орол муаммосига ўзгача ечимлар, қаддимни ҳар галгидан-да тик тутаётган «Саҳрободи Лувер» деб атамаси музейимиз ҳар қачонидан-да тараққий этмоқда. Мўйинок шаҳридағи 99 турдаги овқатлар, «Bo'zatov FEST»дан чиқаётган янги-янги истеъоддлар – ҳамма-ҳаммаси ўзгачадир.

Қорқалпоқ миллатининг юрагида жўнаётган шиҳоат ўзбекистон учун жонини філд қилишига ундиғадир даражада тўлиб-тошмоқда.

Албатта, бу қаби ислоҳотларни санайдиган бўлсақ, ниҳояси кўринмайдигандек гўё. Аммо масаланинг иккичи томонини олиб қарайдиган

бўлсақ, бу ташаббусларни янги-янги фикрлар билан ҳам бойитмоқ лозим. Мамлакат муаммолосига ҳар томоннома ёндашасигина тараққий этади. Шунинг учун ҳам юртимизда ҳар битта масалага чукур ёндашаган ҳолда ечимлар топилмоқда. Аввало, мустаҳкам давлат бўймогимиз учун сиёсат, ҳуқуқ кучларни тизилмага эга бўймоги даркор. Қонунларни тузис эмас, уларни ҳалқка яқинроқ қилиши, еткашиб берииш зарур. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ҳуқуқий савдоҳонлигини ошириши бўйича кўпгина дастурлар ишлаб чиқилган. Ўйлайманк, бўлар янада кўпайтирилса юртимизда ҳар битта шахс ҳуқуқий маданият

мизда

т а ғ л и м

с о ҳ а с и

бўйича қа-

т о р и ш л

а м а л ғ а

о ш и р ғ а

м о қ ғ დ

Куни

кеча

давла-

тизим

раҳ-

б а р и н

и н г

мактаб

би-

тирувчи

ла-

риға

ўйла-

зан

т а б и

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а

л а ғ

и т а